

## АЛЕКСАНДР ВОЛКОВ ИЖОДИДА ПЛАСТИК ВА КОЛОРИСТИК ТАЖРИБАЛАР

**Абдуллаев Шухрат Неъматович**

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институт

Санъатшунослик ва музейшунослик факультети

Санат тарихи ва назарияси кафедраси

катта ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон рангтасвири тарихи ва ривожиди Александр Волков ижодий тажрибаларининг ўрни улкан. Ушбу мақолада рассом ижодининг шаклланиши даврдаги сиёсий, ижтимоий ва бадиий жараёнлар контекстида очиб берилган. Унинг пластик ва колористик тажрибаларига жаҳон рангтасвири, ҳамда мусиқасининг таъсир омиллари таҳлил этилган.

**Калит сўз:** Рассом, колорит, манзара, ранг, ритм, модернизм, композиция, кубизм, икона, автопортрет.

## ПЛАСТИЧЕСКИЕ И КОЛОРИСТИЧЕСКИЕ ЭКСПЕРИМЕНТЫ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛЕКСАНДРА ВОЛКОВА

### АННОТАЦИЯ

Большое место в истории и развитии живописи Узбекистана занимают творческие опыты Александра Волкова. В данной статье становление творчества художника раскрывается в контексте политических, социальных и художественных процессов периода. Анализируются факторы влияния модернистических течений в мировом искусстве и и музыки на его пластические и колористические эксперименты.

**Ключевое слово:** Художник, цвет, пейзаж, цвет, ритм, модернизм, композиция, кубизм, икона, автопортрет.

## PLASTIC AND COLORISTIC EXPERIMENTS IN THE WORKS OF ALEXANDER VOLKOV

### ABSTRACT

Alexander Volkov's creative experiments occupy a large place in the history and development of painting in Uzbekistan. In this article, the formation of the artist's creativity is revealed in the context of the political, social and artistic processes of the period. The factors of influence of modernist trends in world art and music on his plastic and coloristic experiments are analyzed.

**Keyword:** Artist, color, landscape, color, rhythm, modernism, composition, cubism, icon, self-portrait.

Бугунги ривожланиб бораётган замонда кўплаб тасвирий санъат арбоблари ижоди катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Рассом Александр Николаевич Волков шарқ ва ғарб санъати синтезига асосланган ва кейинчалик миллий мактаб томонидан тан олинган XX аср Ўзбекистон рангтасвирийнинг шаклланишида алоҳида ўрин тутган ҳамда маҳаллий аҳоли сафида Туркистоннинг маънавий муҳитини яратган рассом сифатида ажралиб турган. Санъатшунослик илмида ўтган аср бошида ижод қилган авангардист рассомларнинг ижодий изланишлари қайси манбалардан озуқа олгани, қайси рассомлар ижоди таъсирида бўлганини аниқлаш, кумир рассомлар ва уларнинг асарлари орасида параллеллар ўтказиш санъатшуносликнинг янгиланган методологиясидаги асосий масалалардан ҳисобланади.

Республика тасвирий санъатида 1920-1930 йилларда, хусусан, дастгоҳли рангтасвирда иқтидорли ва ранг-баранг изланишларга бой рассомлар сафи кенгайди, ижодий кучлар шиддати кундан-кунга ортиб боради. Шу даврнинг дастлабки йилларида ўлкага М.Курзин, Э.Коровай, Н.Карахан, 1920-йиллар охирига келиб П.Бенков, Н.Кашиналар кўчиб келдилар. Илк ўзбек рассомлари Ў.Тансиқбоев, А.Сиддиқий дастлабки асарларини яратдилар. Бу давр рангтасвир санъати муттаасил равишда мазмунан теранлашиб, турли ифодавий ва ижодий йўналишлар билан кенгайиб борди [1].

Александр Николаевич Волков - рус рассоми бўлишига қарамадан, Ўрта Осиё замонавий санъати асосчиларидан бири ҳисобланади ва шунингдек Ўзбекистон халқ рассоми сифатида тан олинган серкирра ижодкор рассомлардан бири. У 1886 йил 31 августда Скобелев шаҳрида (ҳозирги Фарғонада) шифокор оиласида таваллуд топган. Унинг ёшлик йиллари Туркистонда ўтган. Айнан

ёшлик даврида англаган ўзбек халқининг миллий ва маданий ҳаёти кейинчалик унинг ижодида халқона ранг ва шаклларда намоён бўлди.

1888-1900 йилларда эса у Тошкентдаги бошланғич мактабларда ўқиган. 1900-1905 йилларда Волков Иккинчи Оренбург кадетлар корпусига қабул қилинди. 1906 йилда у Санкт-Петербург университетининг физика-математика факультетида коллежда ўқишни бошлади, лекин икки йилдан сўнг уни тарк этди, у ўша пайтда юқори санъат мактабида ўқитувчи бўлган Владимир Маковскийнинг студиясига кўшилди. Императорлик санъат академиясида ҳам тахсил олди. 1905 йил Оренбург кадет корпусини якунлагач, у Петербург университетига ўқишга топширади, лекин бир неча йил ўқигач, ўқишни ташлаб кетади ва акварельчи Д.И.Бортникер устахонасига ўқишга топширади, сўнгра Санкт-Петербургдаги Императорлик Академияси қошидаги Олий Рассомлик олийгоҳига В.Э.Маковский синфига (1908-1910) ўқишга киради. М.Д.Бернштейннинг шахсий мактабида Н.К.Рерих, И.Я.Билибин, ҳайкалтарош Л.В.Шервуддан (1910-1911-йиллар) олган машғулоти бўлажак рассом келажига ижобий таъсир кўрсатди [2].

А.Н.Волков кейинги бадиий таълимини 1912-1916 йиллар Киев санъат олийгоҳида Ф.Г.Кричевского ва В.К.Менк синфларида давом эттирди. 1916 йилда Туркистонга қайтиб келади. 1919 йил Марказий Осиё санъат давлат музейи директори, 1922 йил Пролетар маданияти театри директори лавозимида ишлайди. Шу орада Туркистон санъат устахонасида (1919-1921 йиллар) ва Тошкент санъат олийгоҳида (1929-1946) кўп йиллар малакали дарс беради. Рассом 1929-йилда «Мастера Нового Востока» (Янги Шарқ усталари) номли санъат жамияти аъзоси бўлиши билан бир қаторда, 1931-1932 йилларда «Бригада Волкова» (Волков жамоаси) санъат уюшмасини ҳам яратади. Айнан шу уюшма аъзолари (М.Курзин, Н.Карахан, О.Татевосьян) кейинчалик Туркистон авангарди феномени пайдо бўлишига замин яратади.

Рассом симфолизм эстетикасидан сабоқ олди ва фрескалар, маҳобатли рангтасвирга қизиқди. Рассом Москвада ўтказилган умумроссия қишлоқ хўжалиги кўрғазмасидаги (1923) Туркистон павилонидан фрескалар яратди. Диний - ҳам насроний, ҳам буддавийлик мавзулари Волковнинг ишига ранг беради. Масалан, унинг Масихнинг онасини вафот этганлиги тўғрисидаги «Аъза» (1921) номли асарида мотам тутаётган уч аёл образи берилган. Шу билан бирга, бу большевиклар ибодатхоналарни бузиш билан машғул бўлган даврда рассом қаршилигининг кескин намоёишкорона ҳаракати эди, бу унинг шахсий эътиқод эркинлиги принципига содиқлиги ҳақида гапиргандай бўларди.

А.Волков кўп саёҳат қилган: 1921-1923 йилларда Туркистон бўйлаб саёҳат уюштириб, Бухоро ҳамда Хоразм, 1930-1934 йилларда эса Шохимардон, Кадирстрой, Селмаш бўйлаб саёҳат уюштиради. Ушбу саёҳатлари давомида халқ ҳаёти, миллий манзара, колорит каби дунёқарашлари шаклланиб боради ва бу бевосита бу ижодига таъсир кўрсатади. А.Волков Туркистон ҳаётининг ритмлари ва манзараларини ифодалашни асосий мавзу қилиб олди. У чойхоналарни, карвонларни, йўлларни, тоғларни тасвирлабгина қолмай, ёрқин ва сержило ранглар билан бўяган. У соатлаб мамлакат бўйлаб юриб, тадқиқотлар олиб боради ва кейин уларни интенсив равишда, ҳар қандай тўхташ пайтида ҳайратланарли тарзда ўзгартирар, турлича шаклларга соларди [3].

1920 – 1921 - йилларда Тошкентда, 1923-йилда Тошкентда ва Москвада унинг кўرғазмалари бўлиб ўтди. Москвада ўтказилган кўрғазмада қўйилган асарларида М.Врубел, П.Пикассо ва А.Матиссининг ижодий тажрибасини қўллаш кўринадди. У Ўрта Осиё одамларини ва табиатини тўғридан-тўғри ўзига хослиги билан қабул қилди [4].

Дастлабки ижоди изланишлари постимпрессионизм ва “Ғиштин саллот” гуруҳи таъсирида нео-примитивизм йўналишида эди. Сўнг А.Волков М.Врубел ва Н.Рерихнинг кучли таъсирида тушиб қолади [5]. Уларнинг шаклий ва колористик тажрибаларини ўзлаштиришга, Шарқ мавзуси билан синтезлашга уринган “Шарқ примитиви” туркуми пайдо бўлади. Унинг “Анорли чойхона”, “Карвон”, “Сандал олдидаги ўйинчи” каби асарлари 1924-йилда Тошкентда, Москвада шахсий кўрғазмада намойиш этилди. 1934 йилда Волков Шарқ халқлари давлат санъат музейида бўлиб ўтган биринчи катта кўрғазмада иштирок этиш учун Москвага борди. Ушбу кўрғазмадан сўнг Волковнинг бир нечта асарлари Давлат Третьяков галереяси ва Санкт-Петербургдаги давлат рус музейи томонидан сотиб олинди. Ўша йили Волковнинг “Шохимардондаги тонг” сурати биринчи марта Ғарбда, Филадельфиядаги Совет санъати кўрғазмасида намойиш этилди [6]. 1923 йилда санъатшунос Алексей Сидоров Волковнинг фаолияти ҳақида шундай деган эди: “Бой ранглари ва ритми билан Шарқнинг бошқа жойларда топиб бўлмайдиган таърифини беради. Унинг санъати услубий изланишлари билан Европа модернизмга хосдир. Кўпгина асарларида Париж Тошкентдан кўпроқ, Шарқ гиламидан ҳам кўпроқ Матисс ва Пикассо мавжуд”. Рассом содда, хажмсиз композицияларини ишлаб чиқиб, “мен учбурчаклар ва бошқа геометрик шаклларнинг бутун тизимини киритдим ва инсоннинг учбурчак асосида тасвирланишига келдим, бу энг содда шакллар эди” дея таъриф беради.

1934-1936 йилларда санъатдаги демократия, плюрализмга қарши сиёсий кампания бошланди ва кўпчилик рассомлар қатор А.Волков санъати формалистик ва анти-социалистик деб айбланди. У барча лавозимларидан четлаштирилди, барча даромадлари ва пулларини йўқотди ва тўлиқ изоляцияда яшашга мажбур бўлди. Кейинги уч йил ичида унинг барча асарлари Россиянинг етакчи музейларидан олиб ташланди. Дарҳақиқат, 1957 йилда вафотигача, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раҳбарлари Москванинг буйруғидан сўнг, Волковни Тошкентга келиш истагида бўлган ҳар қандай рассомлар, санъатшунослар ва санъат ихлосмандлари билан ҳар қандай алоқадан бутунлай ажратиб қўйишди. Волков билан учрашишни истаган ҳар бир кишига улар рассом уларни кўриш учун жуда оғир касал эканликларини эълон қилишди. Бу эса Волков учун жуда оғир мусибат эди, сабаби рассом жамиятда ўз ўрни қаерда эканлигини биладига, ҳақиқий ижодкор аслида қандай бўлиши кераклигини англаб етган, унинг томирларида қандай қон оқиши лозимлигини чин руҳи билан ҳис қиладиган буюк ижодкор эди, афсуски ўша даврнинг мудҳиш шамоли Волковга жуда жиддий таъсир кўрсатган эди. Волков жараёни тўғри баҳолай оларди, унинг ички сезгилари ақли замонанинг хатоликларини чуқур ҳис қила биларди, шунинг учун ҳам у енгилмади, аксинча ўз йўлида давом этди. Чинакам рассомгина бунга қодир эди. А.Волковнинг услуби модернизм ва анъанавий рус санъати аралашмаси эди. Унинг ишларининг кўп қисми кубофутуризм йўналишидан хабардорлик асосига қурилган. А.Волков умрининг кўп қисмини Туркистонда яшаган этник рус сифатида, кўпинча ўзини бегонадек ҳис қилар, шу билан бирга кундалик ҳаётни синчковлик билан кузатарди. Бу унга байрам ва қувонч ҳисси бағишларди [7].

Волковнинг машҳур асари "Анорли чойхонаси"да (1924) драматик шакллар чўққига чиқди. Бу ерда патриархал ҳаёт қип-қизил оҳанглари алангаси билан ўзгариб турарди, бир вақтнинг ўзида чиройли ва фожиали давр – социалистик реализм дастурига биноан ёзилган Волков асарларида таъсирчан ранг энергияси ҳам сақланиб қолади. Колхоз меҳнатининг сахналари эпик фрескаларни эслатади ("Пахта ушлаган қизлар", 1932). "Волков маҳаллий аҳоли сифатида ўша пайтдаги Туркистоннинг маънавий муҳитини чуқур сингдирган. У нафақат ёзган, балки экстатик, ритмик шеърларини ҳам ўқиган (баъзан ҳатто минора платформасидан) ва рассом кўп жиҳатдан дарвешга ўхшайди, деб ишонган. Диндор мусулмон бўлмасдан, у ўзининг асарида, бадиий куч билан ўзига жалб этадиган объектив эпик образларда Худо ҳақидаги сирли билимларни ўзида мужассам этган. Унинг 20-йилларнинг шеърларида "Оллоҳнинг косаси ва

калхатнинг тутуни" деган сатр бор. Ушбу пиёла сўфийларнинг иконаси бўлган “Анор чойхонаси” дан олинган кўринади [8].

А.Волков яратган колористика ўз беқарор чизиқлари ва бетиним текисликлари билан ҳамиша ажралиб келган, бу эса мусиқа рассом ҳаётида юксак ижодий катта бир бурилиш ясаганидан далолат берарди. “Уч мусиқачи” асарида (Давлат Третьяков галереяси) мусиқа товуши кўк рангнинг чуқурлигига ва қизил оҳангларнинг ёнишига мос келади. Уларнинг акси ўйнаётган мусиқачиларнинг юзларига тўғри келади. Уларнинг ҳар бири унинг ишлаш хусусиятига мувофиқ равишда намойиш этилади. Дўмбирачи фидойилик билан ритмларга бўйсунди, унинг юзи биздан яширинган.

А.Волков ижодида автопортрет жанрига мурожаат муҳим эҳтиёжга айланган. Мазкур давр портрет рангтасвирида портрет-типлар билан бир қаторда автопортретда ҳам ранг-баранг услубий изланишларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. (А.Волков, “Автопортрет” 1916; В.Эремян. “Автопортрет”, 1917, к., қора қалам; Н.Карахан, “Автопортрет”, 1933; Ў.Тансиқбоев “Автопортрет” 1931, 1932 ва 1935 йй.). Улар орасида Александр Волков бутун ижодий умри давомида узлуксиз автопортретга мурожаат қилган рассомдир. Янгича пластик инкишофлар нуқтаи назаридан унинг 1916 йилдаги портрети эътиборни тортади. Автопортрет рассомнинг Киэвдаги таълимдан қайтгандан сўнг ишланиб, унда Византия санамнавислиги ва М.А.Врубел ижодига ҳамохангликни кузатиш мумкин. Қаддини тик тутган ҳолда томошабинга тепадан қараб турган рассомнинг қўллари М.Врубелнинг иблисига монанд иложсиз ҳолда бириккан. Унинг нигоҳи мағрур ва сокин. Орқасида бошини эгган, кўзлари юмуқ, бироқ рассом қоматиданда маҳобатлироқ қария образи ифодаланган. Шарқона донишмандликни ифодалаган мазкур қиёфа рассомнинг Киэвдаги “Иблис ва Исо чехраси” (1913-1914, “Янги Иерусалим музейи”) асаридаги пайғамбар образини такрорлайди. Рассом европа кубизми кашфиётларини (ранг шиддати, қуюқ ранг бўёқлари, буюмлар ҳажмини бўрттириш) мозаика эффектини ифодалаш ёрдамида синаб кўради. Гўё ҳар иккала образ тўқ кўк ёқут, қип-қизил лаъл, баҳор майсалари каби яшил зумрад тошларидан ясалгандек тасаввур уйғотади. Рангли шиша кубиклардан иборат смалта эффекти колоритнинг оҳангдорлиги ва тусларининг жимиллашига сабаб бўлади. Иконаларга муқобил саналган олтин фон тасвирга ўзига хос тантанаворлик бағишлайди ва шу билан бирга реал ҳаётдан ҳаёлни олиб қочишга имкон беради [9].

Кристал структурага эга 1919 йилдаги автопортретида ўзининг ғойибона устози – рус рассоми М.Врубелга хос шакл юзасини “парчалаш” услуби

устуворлик қилади. Лекин мўйқалам устаси зиддиятли, мавҳум руҳиятини юзага келтирувчи ранглардан четлашиб, Туркистон қуёшининг тафтида намоён бўлувчи ёрқин жилолар, уларнинг декоратив хусусиятларини теран ҳис қила бошлаганини колористик эчимда яққол акс этган. Ўз кучига ишонган бодомқовоқ ёш рассомнинг ёнида сирли маслаҳатгўйи – шарқона қиёфадаги одамнинг рамзий сиймоси бор. У мўйқалам соҳиби янги ижодий йўлга қадам қўйганига, бундан кейинги ижодий изланишлари шарқона декоративиз анъаналари билан боғлиқлигига ишора қилинган. Асарда кейинги автопортретлари учун иконографик асос сифатида хизмат қилган машҳур образ – бошига берет, эгнига камзул кийган нозиктаъб артист, яъни кенг маънодаги санъаткор қиёфаси ишлаб чиқилган [10].

Ҳозирги вақтда А.Волковнинг Ўзбекистон ва Россия музейлари, шунингдек, турли коллекцияларда сақланаётган қирққа яқин автопортрети маълум. Турли йилларда яратилган мазкур асарларда рассом ижодида кечган мураккаб изланишлар, бадиий ва руҳий эврилишларнинг изчил аксини кўриш мумкин [10].

Александр Волков автопортретида ўзини ўрганмайди, балки ижодий шахс эканини тасдиқлайди. Рассомнинг дунёгақараши очиқ ва орзулар қанотидаги шоир каби, келажакка пардани очишга уринади. Кўзларида-диққат, яширинган оғриқ, қайсарлик. Кенг мўйқаламни ушлаб турган қўллар худди қурол ушлаб тургандек. Кўз ўнгимизда жасур, ишга кўмилган, ўзини тутиб олган, ижодга шўнғиган одам. А. Волков автопортретида ўз кўринишини кўчирмайди. У кўзга кўринмас картинани яратади ва бу жуда муҳим, у ушбу одамнинг таассуротини, диққатини, бутун фикрини тортиб олди. Балки унда бутун ижодий йўли, бошидан кечирганлари, ўз-ўзи билан қолиши учун қаттиқ тургани акс эттирилган. Автопортрет ранги тилларанг, кўнғирранг-яшимтир, босиқ. Бажарилиш услубига келсак рассом шаклни чегаралаб турувчи йирик бўёк чаплашни ёқтирган. Юзи синчиклаб моделлаштирилган. Бошқа барчаси умумлаштирилиб кенг мўйқаламда ишланган.

У ўз эсдаликларида реализм йўли инсон образини яратишда тўғри йўлликни таъкидлади. “Автопортрет”, “Рафиқаси портрети”, “Колхозчи”, “Пахта терими”, “Байрам” асарларида реализм йўли намоён бўлди [11]. Тошкент музейида сақланаётган 1930-йиллар бошидаги яна бир ифодали асар бу – “Фарғона канали қурувчилари” эди. Улкан қўлларида кетмон ушлаган учта ўзбек йигити, улуғвор ёдгорликка айлантирилди, лекин уларнинг ёпиқ юзлари, меҳнатдан куйиб кетган қора ва чарчоқларга тўла ҳорғин баданлари,

худди А.Волков орқали ўзбек халқининг нақадар захматқаш эканлигини англлатмоқчи бўлаётгандек туюлади.

Ўзбекистонда модернизмнинг бадиий ифодавий имкониятлари сарчашмасини миллий маданият, турмуш тарзи ҳамда санъатида кўра олган дастлабки рассомлар гуруҳининг фаолиятида инсонни тасвирлашда янгича нуқтаи назар, ранг-баранглик, индивидуал ўзига хосликни кузатиш мумкин. Рус авангарди рассомлари учун дунёни санъат орқали инқилобий йўл билан ўзгартиришга интилишлик, утопик ғоялар билан боғлиқликда кечган бўлса, ундан фарқли равишда ўзбек авангарди вакиллари учун ижодий тажрибалар бу Ўрта Осиё миллий маданиятини идрок этиш ва уни намоён этишнинг ўзига хос йўли бўлган. Бу жараёнда декоратив тўйинган, абстракт шаклларда рамзий моҳиятни жо этган халқ амалий санъати тайёр композиция, ритм ва ранглар мажмуи тизими сифатида хизмат қилган.

Фавқулудда ноёб техника, кучли ифодавийлик, материалларни мукамал билиши, чизматасвирнинг ажойиб маҳорати, шаклни қатъий, реалистик жиҳатдан аниқ такрорлаш қобилияти, ёрқин колористик истеъдод Александр Волков ижодининг асосий хусусиятлари эди. Александр Волков ижодидаги колористик ва пластик тажрибаларни ўрганиш натижасида унинг Врубелнинг кристалсимон рангтасвирон тилидан озуқа олгани, рус модернизмнинг кубофутуризида пластик тажрибалар олиб боргани кузатилади. Жазз мусиқаси Волков учун нақадар теран ва нозик услубиятни кашф қилиб берганини рассомнинг ўзи ҳам тан олади. Волков яратган колористика ўз беқарор чизиқлари ва бетиним текисликлари билан ҳаминша ажралиб келган, бу эса мусиқа рассом ҳаётида юксак ижодий катта бир бурилиш ясаганидан далолат берарди. У ўз эсдаликларида реализм йўли инсон образини яратишда тўғри йўллигини таъкидлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, А.Волков социалистик реализмнинг сохта ғояларини, унинг ўлик руҳини енгиб ўтади, ўз санъатининг гуллаб-яшнаган даврида бўлгани каби, янгича кўринишда оламнинг буюклиги ва сирлилигини, инсон унга олиб келган маънавият ҳақида, ҳаётни баъзи бир ижодий ва “тортишиб бўлмайдиган” тамойилларга бўйсундириш борасида бир умр томошабинига ваъз ўқиб ўтди. Ушбу юксак нотада рассомнинг барча ишлари айнан ўзбек халқининг чуқур ва енгилмас руҳияти, меҳнатдан адо бўлмайдиган тиришқоқ ва метин иродасини, ўзинг барча –барча колористик манзараларида ўта жиддий маҳорат билан тасвирлаб бера олди.

Ижодининг сўнгги йилларида турли қийинчиликларни бошдан кечирган А.Волков ўз-ўзи билан мулоқот қилишга кучли эҳтиёж сезади. Бу рассомни автопортрет жанрига қайта ва қайта мурожаат этишига ундайди. 1940-1955 йилларда картонга ишланган автопортретлар туркумида санъаткорнинг ижод жараёнидаги руҳий ҳолатини таҳлил этиш мумкин. Ўзаро боғлиқликка эаг ушбу портретларнинг ҳар бирида алоҳида психологик ҳолат муҳрланган бўлиб, уларда кесайган мусаввир ҳаёт йўлининг охириги манзилига яқнлашиб бораётганини ҳис этамиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 11 б.
2. Р.Такташ. Изобразительное искусство Узбекистана (вторая половина XIX века до 60-е гг. XX века).- Тошкент, 1972.
3. "SALE 8003 / LOT 75: Alexander Volkov: Kok-su mountain river". Christie's. Archived from the original on January 19, 2013. Retrieved November 15, 2012.
4. М.И.Земская. Александр Волков. Мастер "Гранатовой чайханы". - М., Советский художник, 1975.
5. INTERVIEW: "Theodora Clarke meets Meruyert Kaliyeva at Christie's to discuss their Alexander Volkov exhibition". Russian Art and Culture. September 18, 2012. Retrieved November 15, 2012.
6. Drevin; Udaltsova; Kurdov (1934). The Art of Soviet Russia. Foreword by Fiske Kimball. Introduction and Catalogue by Christian Brinton. Philadelphia: American Russian Institute for Cultural Relations. Retrieved 15 November 2012.
7. John E. Bowl. "A Silken Whirlwind of Unbridled Colors": Aleksander Volkov and His Pictorial Legacy" (PDF). Retrieved November 15, 2012.
8. Апчинская Н. Творчество Александра Волкова. М.: Изобразительное искусство. С.132.
9. S.Sadikova, B.Kultashev, N.Kultasheva. Development of portrait of Uzbekistan during the early 20<sup>th</sup> century / Journal of Contemporary Issues in Business and Government. Vol.27. No.2/2021. P. 2040-2053
10. Имомов А. А.Волков ижодида ўз-ўзини англаш муаммоси / San'at . – 2019. №3. – Б. 20-24.
11. Александр Волков, Александра Загряжская, записки о художниках, мастерская Рябичевых
12. Максумова, Фарида. "Владимир Иванович Бурмакин—человек легенда актуальные вопросы монументального искусства узбекистана." Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ахборотномаси илмий-амалий журнали 5.03 (2021): 15-27.